

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

НУРДИНОВА РАЗИЯХОН АБДИХАЛИКОВНА

**ГЕНЕРАТОР ТИПИДАГИ ФОТОҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ ҚУРИЛМАНИ
ЯРАТИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract
of doctor of philosophy (PhD) on technical sciences**

Нурдинова Разияхон Абдихаликовна Генератор типдаги фотокабул қилувчи қурилмани яратиш.....	3
Нурдинова Разияхон Абдихаликовна Разработка фотоприёмного устройства генераторного типа.....	21
Nurdinova Raziyakhan Abdikhalikovna Development and justification of the parameters of tracking systems for concentrators of solar installations.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018.ФМ/Т.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

НУРДИНОВА РАЗИЯХОН АБДИХАЛИКОВНА

**ГЕНЕРАТОР ТИПИДАГИ ФОТОҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ ҚУРИЛМАНИ
ЯРАТИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.1PhD/T576 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ispm.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Касимахунова Анархан Мамасадиқовна**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Адукадилов Мухитдин Абдурашитович**
техника фанлари доктори, профессор

Раҳманов Анваржон Тожибоевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Қорақалпоғистон давлат университети**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий тадқиқот-институти ҳузуридаги фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100057, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел./факс: (99895) 146-77-44; e-mail: info@ispm.uz), ЎЗМУ қошидаги ЯФМ ИТИ мажлислар зали).

Диссертация билан Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100057, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел./факс: (99895) 146-77-44; e-mail: info@ispm.uz),

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги рақамли реестр баённомаси).

Ш.Б.Утамурадова
Фалсафа доктори илмий
даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

С.С.Насриддинов
Фалсафа доктори илмий
даражасини берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.д., доцент

А.Т.Мамадалимов
Фалсафа доктори илмий
даражасини берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, ф.-м.ф.д.,
профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Жаҳонда бугунги кунда жадал ривожланаётган яримўтказгичлар физикасининг муҳим йўналишларидан бири бўлган фотоэлектроника учун мўлжалланган янги яримўтказгич материалларини тадқиқ қилиш катта аҳамиятга эгадир. Бу борада бир микрон чуқурликда ёруғликни 99% ютувчи мис ва индий диселенидлари (CuInSe_2) бирикмаси катта қизиқиш уйғотади, унинг электронларининг ўзига хос энергетик спектри ва оптик хоссаларининг анизотропияси рақобатбардош фотосезгир структураларни яратиш имконини беради. Шунинг учун юқори кириш қаршилигига эга бўлган электрометрик қурилмаларнинг кучланиш манбаи сифатида қўлланиладиган фотогенератор структураларини яратиш фотоэлектрониканинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда генератор типигаги фотоқабул қилувчи қурилмани яратишга, фотоэлектрик эффектларни тадқиқот қилишга ва аномал фотовольтаик кучланиш эффектига эга юпқа қатламли структураларни олиш технологияларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда мақсадли тадқиқотларни амалга ошириш, жумладан аномал фотовольтаик кучланиш эффектига эга бўлган CuInSe_2 қатламларини олиш технологияларини ривожлантириш, фотосезгир мис ва индий диселенидлари намуналарининг параметрларини ва фотосезгирлигининг кайта такрорланувчанлигини бошқариш, аномал фотовольтаик кучланиш эффектига изовалент киришмалар ва ташқи муҳитнинг таъсирини, магнит майдонида аномал фотовольтаик кучланиш эффектининг ҳосил бўлишига қутбланган ёруғликнинг таъсирини ўрганиш, аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламларнинг компонентларини ва қўшимча киришмаларни вакуумли чанглатиш йўли билан босқичма босқич ўтказишни амалиётга тадбиқ қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамызда тез ривожланаётган йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда, жумладан кадмий теллурид, арсенид галий бирикмаларни тор энергетик сатҳлардаги хоссалари, теллурид кадмийнинг радиация таъсиридаги хусусиятлари устида илмий изланишлар жадал олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий-тадқиқот ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, яъни яримўтказгичлар физикаси соҳасидаги назарий ва амалий изланишлар натижасида инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш орқали фотоэлектроника соҳасининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида» қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»¹ фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, электрон асбобсозликнинг ривожлантиришни устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Япониялик олимлар Takahashi M., Nakai J. томонидан вакуумда 10^{-5} мм.см.уст. босим остида 100 мкм/с. буғлатиш тезлик билан Ge асосидаги қатлам олинган. Улар чанглатиш бурчагини ошириш йўли билан фотокучланишни ортишига ва максимал қийматга 60° бурчак остида эришилганини аниқлашган. Бунда қатламнинг қалинлигини 0,02 дан 0,2 мкмга орттирилганда фотокучланишнинг камайиши кузатилган.

Ўзбекистонда германийдан олинган биринчи қатламлар академик Э.И.Адирович раҳбарлигида олинган. 0,1 мкм қалинликдаги қатламларни чанглатиш 45-60 градус бурчак остида, 200-400⁰С тагликнинг ҳароратида амалга оширилган. Ҳозир пайтда сульфид кадмий аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламларнинг қўлланилишини янги йўналишлари бўйича профессор С.Отажонов томонидан тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламларнинг яхши ўрганилганига қарамай, уларнинг кутбланган ёруғликдаги фотоэлектрик, фотомагнит, магнитооптик ва бошқа хусусиятларига эътибор қаратиш зарур.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институти илмий-тадқиқот ишлари доирасида АТ-Отех-133, «Металл қириндили абсорберли эффектив хаво исситгичини яратиш» (2017-2018й.й.) лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мис ва индий диселениди қатламлари асосида генератор типдаги фотоқабул қилувчи қурилмани яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

CuInSe₂ бирикмали юпқа қатламлар асосида янги аномал фотовольтаик кучланишга эга структураларни олиш технологиясини ривожлантириш;

мис ва индий диселениди намуналарининг параметрларини ва фотосезгирлигининг кайта такрорланувчанлигини бошқаришни таъминлаш;

¹ Ўзбекистон Республикасининг президентини ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги 2017йил 7 февралдаги фармони.

аномал фотовольтаик кучланиш эффектига изовалент киришмаларнинг ва ташқи таъсирларнинг таъсирини ўрганиш;

магнит ва электр майдонларида аномал фотовольтаик кучланиш эффективининг намоён бўлишига қутбланган ёруғликнинг таъсирини аниқлаш;

аномал фотовольтаик кучланишга эга элементлар асосидаги генератор типидagi фотоқабул қилгич қурилмасини қўллаш ҳисобига квант генераторининг конструкциясини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти CuInSe_2 асосидаги уч компонентли мураккаб яримўтказгичли қоришмалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети қутбланган ёруғлик таъсирида изовалент киришмали аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламларда кечаётган физикавий жараёнлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган масалаларни ечимини топиш учун фотоэлектрик, фотомагнит ва оптик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олтингугурт ва селен изовалент киришмалар билан легирланган CuInSe_2 яримўтказгич бирикмалари асосидаги янги аномал фотовольтаик кучланишга эга элементларнинг олиш технологияси ишлаб чиқилган;

мис ва индий диселенидлари таркибий муносабатларини ва материални танлашни оптималлаштириш йўли билан параметрлари бошқариладиган ва қайта такрорланувчанлик имконига эга аномал фотовольтаик кучланиш эффектли қатламлар олинган;

CuInSe_2 яримўтказгич қатламлар асосидаги аномал фотовольтаик кучланиш элементларидаги фотокучланишлар қиймати (300 В) маълум теллурид висмут ва сурма асосидаги қатламларидагидан 2 даражага кўплиги аниқланган;

структуралар фронтал ёритилганда фотосезувчанлик қатламининг чуқурлиги бўйича киришмаларнинг жойлашиши бир жинсли эмаслиги ҳисобига аномал фотовольтаик кучланиш, фотоэлектрет ҳолат кучланиши, фотомагнит эффект кучланиши максимумлари қисқа тўлқин узунлиги томонига силжиши аниқланган;

АФК қатламлари компонентларини босқичма-босқич ўтқазишни ва кўшимча киришмаларни вакуумли чанглатишни таъминлайдиган икки бўғлатгичли қурилма яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юқори кучланиш майдон манбаи сифатида қўлланиши мумкин бўлган генератор типидagi фотоқабул қилгич яратилган;

яратилган фотоқабул қилгич оптоэлектрон микросхемаларда, кучланиш манбаини ўрнини босувчи автоном манба сифатида қўлланилган;

яратилган фотоқабул қилгич ўлчаш-назорат қурилмаларидаги маълумотни бирламчи ўзгартиргичи сифатида қўлланилган;

яратилган генератор типидagi фотоқабул қилгич паст кучланишларни юқори кучланишларга айлантирувчи оптоэлектрон трансформатор сифатида қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги юқори сезгирликка ва ўта аниқликка эга бўлган тажрибавий услубларнинг қўлланилганлиги, шунингдек, физик жараёнларни тадқиқ қилишда умумқабул қилинган услубларнинг фойдаланилганлиги, турли усулларда олинган натижаларни таққослаш орқали таҳлил қилиниши билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, қутбланган ёруғлик таъсирида қийшиқ бурчак остида чанглантирилган мис ва индий диселениди юпқа қатламларидаги аномал фотовольтаик кучланиш эффектларининг хусусиятларини намоён қилишни кенгайтиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти CuInSe_2 асосида яратилган АФК элементлардан оптоэлектрон трансформаторларни ва кириш қаршилиги катта бўлган қурилмалар учун кучланиш манбаларини тайёрлашда қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Генератор типидagi фотоқабул қилгич қурилмани тадқиқ қилиш асосида:

мис ва индий диселениди қатламлари асосида яратилган генератор типидagi фотоқабул қилгич қурилма, “Электрошок” маъсулияти чекланган жамиятда, аномал фотовольтаик кучланишга эга элементларнинг ҳаракатдаги макети кўринишида электростатик майдонда ишловчи асбоб ва қурилмаларнинг алоҳида қисмлари учун кучланиш манбаи сифатида қўлланилган. (Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 7 январдаги 8.01.19-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши алоҳида энергия боғлиқ бўлмаган қисмларни ишлаб чиқиш ва ўлчаш қурилмаларнинг ўлчамларини ихчамлаштириш имконини берган;

оптик нур манбаига эга бўлган квант генератори учун ҳалқаро миқёсдаги муаллифлик ҳуқуқини берувчи ЕС-01-001725 рақамли сертификат олинган. (18.05.2018 йил, Берлин, Германия). Бу ташқи энергия манбаига эга бўлмаган квант генераторининг сараловчи системасини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 10 та халқаро ва 8 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда баён этилган ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация ишининг мавзуси бўйича жами 6 та илмий иш чоп этилган, улардан 3 та мақола Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг диссертация ишларини асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида, 3 та мақола хорижий илмий журналларда чоп этилган, битта халқаро муаллифлик ҳуқуқини белгиловчи сертификат олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 34 та расм ва 1 та жадвални ўз ичига олган ҳолда 118 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва масалалари аниқланган, ишнинг илмий янгилиги ва унинг натижасини амалий аҳамияти кўрсатилган.

“Генератор типдаги аномал фотовольтаик кучланишга эга элементларнинг тадқиқотини ва техникавий қўлланилишини замонавий ҳолати” номли биринчи бобда аномал фотовольтаик кучланиш эффекти бўйича қилинган ишларнинг умумий ҳолати кўрсатилган ва берилган ишда уларнинг ечими ҳисобланган вазифалар аниқланган. Асосий эътибор, аввало оптоэлектрон асбобсозлик, ўлчаш ва ўзгартиргич техникаси соҳаларида аномал фотовольтаик кучланиш эффектнинг татбиқий имкониятларига, ҳамда аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламларнинг функционал микросхемаларда генератор типдаги фотоқабул килгич сифатида қўлланилишига бағишланган ишларга қаратилган. Аномал фотовольтаик кучланиш эффекти асосида бажарилган оптоэлектрон датчикларнинг ишлаш принципи ва хусусиятлари кўрсатилган ишлар таҳлил қилинган. Қайд этилганлар асосида диссертация ишининг аниқ вазифалари белгиланган.


“Мис ва индий диселениди типли мураккаб ярим ўтказгичли бирикмалардан олинган аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламнинг олиш технологиясининг хусусиятлари” номли иккинчи бобда вакуумли чанглатиш билан юпқа қатламларни шакллантириш жараёнларини модернизация қилишга бағишланган. CuInSe_2 асосидаги аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламнинг олиш технологияси ва уларнинг асосий хусусиятлари ёритилган. Улар хусусиятлари бўйича аномал фотовольтаик кучланиш эффекти яхши ўрганилган CdTe , CdSe яримўтказгичли бирикмаларига яқин аналогдир. Шу сабабли, тадқиқот объекти сифатида, $\text{A}^{\text{IV}}\text{B}^{\text{III}}\text{C}_2^{\text{VI}}$ гуруҳ бирикмаларининг типик вакиллари ҳисобланган, юқорида кўрсатилган бирикмалар олинган. Бундан ташқари, бу бирикмаларда атомлараро боғланмалар ковалент таснифга эга. Квант механикаси нуқтаи назаридан, антипараллел спинли иккита электронларнинг иккита ядро майдонида жойлашиши энергетик жиҳатдан фойдалидир. Шунинг учун ковалент боғланишнинг ҳосил бўлиши энергияни тежашга олиб келади ва боғланишнинг ўзи эса жуда мустаҳкам бўлади. Ишда кучли электр майдонларда аномал фотовольтаик кучланишга эга элементнинг ўрганиш бўйича экспериментал натижалар келтирилган. Шунингдек, аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламларни танлаш, уларнинг осонгина юқори каршиликка эга бўлиб қолиши ва нисбатан паст кучланишли манбалардан фойдаланадиган стандарт аппаратура ёрдамида текширилиши мумкинлиги билан асосланади. Ўлчашлар хона ҳароратида CuInSe_2 учун ИКС-14А ва CdTe учун СФД-2 асбобларида ўтказилган. Аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламларини тайёрлаш ва уларга электродларни ўрнатиш вакуумда, чанглатиш йўли билан амалга оширилган. Электр майдони ИВН-1 доимий кучланиш манбаи ёрдамида ҳосил қилинган.

CdTe ва CuInSe_2 аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламларда хусусий ютилиш чегараларини силжиши $5 \cdot 10^3 \div 10^4$ В/см майдонларда кузатилади. CdTe ва CuInSe_2 аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламлар учун тажриба йўли билан олинган $I_{\text{кт}}(\lambda)$ и $\alpha(\lambda)$ эгри чизиқлари 1,2,3,4-расмларда келтирилган.




1- $I(\lambda)$, $E=50\text{В/см}$; 2- $I(\lambda)$, $E=10^4\text{В/см}$

1-расм. CdTe дан олинган аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламларнинг катта электр майдонларидаги спектрал характеристикалари




1- $E=10^4\text{В/см}$; 2- $E=50\text{В/см}$

2-расм. CdTe намуна учун $\alpha(\lambda)$ спектр ютилиши



1- $I(\lambda)$, $E=50\text{В/см}$; 2- $I(\lambda)$, $E=10^4\text{В/см}$

3-расм. CuInSe₂ дан олинган аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламларнинг катта электр майдонларидаги спектрал характеристикалари



1- $E=10^4\text{В/см}$; 2- $E=50\text{В/см}$


4-расм. CuInSe₂ намуна учун $\alpha(\lambda)$ спектр ютилиши

Аномал фотовольтаик кучланиш эффектига эга қатламларнинг микропараметрларини аниқлаш мақсадида, фотомагнит эффект ва фотоэлектрет ҳолат бўйича тадқиқотлар ўтказилган.

Дискрет буғлатиш йўли билан олинган CuInSe₂ поликристал қатламларда, 1,02 эВ тақиқланган зона кенглигида тўғри оптик ўтишлар содир бўлади. 200⁰С чўктириш ҳароратида қатламнинг ютилиш чегаралари сувалашган,

400⁰C ҳароратда эса олинган қатламлар кескин чегарага эга бўлиши аниқланган. Мураккаб бирикмалардан аномал фотовольтаик кучланишга эга қатлам тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган.


Вакуумда буғлатиш йўли билан қатламни ҳосил қилиш, ВУП-4 қурилмасида, шиша ёки металл ёпқичли вакуум камерасида амалга оширилган. Камерага ниқоб, парда ва уларнинг алмаштириш механизмига эга арматура жойлаштирилади. 5-расмда вакуум камерасининг соддалаштирилган кўриниши келтирилган. Буғлатилувчи материаллар камерасига жипс текисланган (W , M_0) материаллардан тайёрланган кичик алунидли тиглларда ёки буғлатилувчи материалга кўра, буғлатгичнинг бошқа турларида (вольфрам спиралларда, графитли тиглларда) киритилади. Буғлатгичлар электр иситгичлар билан таъминланади.



1- экран (затвор); 2- фотоэлемент; 3-исситгичли буғлатувчи модда (тигель); 4-диффузияли насос; 5- ёпгич; 6- тагликдаги қатлам; 7-электромагнит механизмга эга парда; 8- ёруғлик манбаи; 9- вакуумли кран; 10-форвакуумли механик насос; 11- ёпгич ташқарисидан исситувчи исситгич, унинг ёрдамида таглик ҳарорати ўрнатилади

5-расм. Вакуумда буғлатиш йўли билан аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламнинг ҳосил қилиш қурилмаси

6-расмда тагликда олинган аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламнинг бўйлама қирқими ва шакли келтирилган.



1-таглик; 2-пастки контакт (In); 3-юқори контакти (In); 4-аномал фотовольтаик кучланишга эга қатлам


6-расм. Тагликда олинган аномал фотовольтаик кучланишга эга қатлам

Чанглатиш жараёнида махсус механизм ёрдамида модданинг чанглатиш бурчагини созлаш мумкин. Қатламлар доимий (яъни, қатламни чанглаш мобайнида чанглатиш бурчаги бир хилда ушлаб турилади) ва ўзгарувчан чанглатиш бурчакларида олинган.

“Изовалент киришмали аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламлар” номли учинчи аномал фотовольтаик кучланиш эффектини изовалент киришмали аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламларда ўрганишга бағишланган. Легирлаш усули ва қурилмаси, киришмалар ва тагликни танлашнинг физикавий асослари таҳлили келтирилган. Изовалент киришмали мураккаб бирикмали CuInSe_2 аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламнинг олиш технологияси ва уни хусусиятлари ёритилган.

Ушбу усулни тадбиқ қилиш учун махсус қурилма ишлаб чиқилган. Қурилманинг энг муҳим қисмлари 7-расмда кўрсатилган.

Конструкцияда молекуляр оқимнинг тушиш бурчагини 6° дан 86° гача ўзгаришини кўзда тутган. Бунга эришиш учун (6) елкани, (13) пардани (5) умумий ўққа нисбатан бураш керак. Бундай ҳаракатларни амалга ошириш учун (6) пўлат пластинкадан иборат катта елка, умумий буриш ўқиға нисбатан (8) магнит ёрдамида буралиши керак. Таглик буғлатгичга қаратиб йўналтирилган ва у, материалнинг буғлатиладиган “ёт” қисмидан ҳимоя қилиши учун (13) парда билан ажратилган. Қатлам қалинлиги буғлатиш жараёнида тагликдан қайтган нур бўйича назорат қилинади. Бунинг учун ёруғликнинг кўриш ёки яқин ИҚ манбасидан фойдаланилади.



1- тагликни киздириш учун исситгич; 2-чанглатиш учун тагликнинг ҳолати; 3-таглик; 4-тагликни ушлаб турувчи мослама; 5-чанглатиш бурчагини назорат қилиш механизми; 6-юпқа пўлат қатлам; 7-фотозэлемент; 8-магнит; 9-ўзгарувчан ёки доимий ток манбаи; 10-буғлатгичлар; 11-сўриб олиш учун тиркиш; 12-қалинликни назорат қилиш учун ёруғлик манбаи; 13-молекулалар оқимни беркитиш учун парда; 14-шиша камера

7-расм. Чанглатиш ва ўлчаш учун мўлжалланган қурилма

Таглик ушлагичнинг олди томони сиртига созланадиган пружина ёрдамида қотирилади. Намуна ва ушлагич вертикал ҳолатда айлантирилади. Намунанинг вертикал ёки горизонтал бураш ўқлари, текис пружиналар билан

V-симон шаклдаги фазали ўқлар билан ушлаб турилувчи (15) блокда кинематик равишда маҳкамланган. Маҳкамлашнинг бу тури талаб қилинган ишлаб чиқаришни таъминлайди ва вакуумда ёғлашсиз ишлаш учун жуда қулай ҳисобланади.


Аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламни олишнинг оптимал технологик жараёнини топиш учун кўп тажриба ишлари олиб борилган, уларнинг натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламнинг оптимал параметрлари

Ярим ўтказгичли материал	P, мм.см.ус т.	T _{таг} , °C	Чанглатиш бурчаги		қалинлик d, мкм	V _{АФК} , В
			Доимий	Ўзгарувчан		
CuInS ₂	10 ⁻⁵	200-300	-	0-75 ⁰	1-1,5	200
CuInS ₂	10 ⁻⁵	200-300	30 ⁰	-	1,5	50-60
CuInSe ₂	10 ⁻⁴	250	45 ⁰	-	1	100
CuInSe ₂	10 ⁻⁴	250	-	20-80 ⁰	1	300
CuInTe ₂	10 ⁻⁵	200	-	10-70 ⁰	1,6	300
CuInTe ₂	10 ⁻⁵	200	40 ⁰	-	1,5	10

Тажрибада олинган натижалар шуни кўрсатадики, аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламлар, қалинлик градиенти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ бўлмасдан, фақатгина анизотроп чанглатишда ҳосил бўлади.




1- киришмаларнинг таркиби 10¹⁶ см⁻³ дан кам; 2- киришмаларнинг таркиби 10²⁰ см⁻³ гача етади

8-расм. Аномал фотовольтаик кучланишнинг қатлам қалинлиги билан боғлиқлик графиги


Қалинликнинг, узунликнинг чегаравий соҳалари, шунингдек юқори қаршилиқлик, ўта юқори бир жинсли эмаслик, анизотроплик, юқори легирланиш мезонлари ва аномал фотовольтаик кучланишга эга қатлам-

ларнинг аномаллик аломатлари бўйича тажрибаларда олинган натижалар келтирилган. Изовалент киришмали аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламларда иккиланган нур синиши эффектини тадқиқ қилиш бўйича натижалар берилган (8- расм).

Аномал фотовольтаик кучланишга эга элементларнинг параметрларини турғунлигига намлик салбий таъсир кўрсатиши аниқланган. Бу ҳодисалар сув адробсияси билан боғлиқ бўлиб, улар юпқа катламли аномал фотовольтаик кучланишга эга элементларнинг параметрларини ўзгартиради (9, 10-расмлар). Намликдан ҳимоя қилиш учун аномал фотовольтаик кучланишга эга элементлар қатламлари МБК маркали лак билан қопланган.



9-расм. Аномал фотовольтаик кучланишга O_2 буғларининг абсорбцияси таъсирининг кўриниши



10-расм. Намликни аномал фотовольтаик кучланишга эга элементнинг фототокига таъсири

“Аномал фотовольтаик кучланишга эга бўлган қатламларнинг магнит ва электрооптик хоссаларини қутбланган ёруғликда тадқиқ қилиш” деб номланган тўртинчи бобда аномал фотовольтаик кучланиш эффектини қутбланган ёруғликдаги экспериментал тадқиқотлари натижалари

келтирилган. Бу бобда аномал фотovoltaик кучланишга эга элементларнинг асосий хусусиятларини назарий таҳлили келтирилган ва кутбланган ёруғликнинг аномал катта фотокучланиш катталигига таъсири экспериментал йўл билан аниқланган. Халькоген боғланишли аномал фотovoltaик кучланишга эга қатламларнинг типик кутбланган диаграммалари келтирилган. Аномал фотovoltaик кучланиш спектрига кутбланган ёруғликнинг таъсирини тақиқоти натижалари берилган. Аномал фотovoltaик кучланишга эга қатламларнинг кутбланган ёруғликка сезгирлиги янги оптоэлектрон асбобларни яратишда қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ёруғликнинг кутбланиши учун монохроматор чиқишига поляроид ўрнатилган. Ютилиш эгри чизиқлари қайтишнинг ҳисобга олган ҳолда олинган, яъни ўлчашлар турли хил қалинликларда амалга оширилган:

$$d_1 \text{ қалинликдаги қатлам учун, } J_1 = J_0(1 - r)e^{\alpha d_1} \quad (1)$$

$$d_2 \text{ қалинликдаги қатлам учун, } J_2 = J_0(1 - r)e^{\alpha d_2} \quad (2)$$

бу ерда, J_0 - тушаётган ёруғлик интенсивлиги; J_1, J_2 - d_1, d_2 га мос ҳолда ўтган ёруғлик интенсивлиги; r - қайтиш коэффициенти, α - ютилиш коэффициенти.

J_1/J_2 муносабатдан фойдаланиб ва қайтишни ҳисобга олиб, қуйидаги ифодага эга бўламиз

$$\alpha = \frac{\ln(J_1/J_2)}{d_2 - d_1} \quad (3)$$


$d > 0,7$ мкм қалинликка эга битта қатламнинг турли қисмларида табиий ёруғликда ўлчанган аномал фотокучланиш спектрлари кўриниши, унинг қалинлигини ортиши билан кескин ўзгаради: спектрларнинг максимумлари силжийди, қўшимча максимумлар пайдо бўлади ва х.к. Шунинг учун кутбланган ёруғликда аномаль юқори кучланиш ва ютилиш коэффициенти (α) учун қатламнинг иккита тор қўшни қисмлари ($d < 0,7$ мкм)да танлаб олинган.

Магнит майдони кутбланиш текислигининг буришини ўзгартириши тажриба йўли билан кўрсатилган, ҳамда классик таҳлилга асосан, тўлқин узунлигига боғлиқ бўлган буриш бурчаги аниқланган: ўлчанган буриш бурчагини қийматига кўра, ташувчилар концентрацияси аниқланиши мумкин, агар ташувчилар концентрацияси маълум бўлса, эффектив оғирликни ҳам топиш мумкин бўлади. Кутбланиш текислигини айланиши 4-формуладан аниқланиши мумкин бўлган буриш бурчаги φ билан тавсифланади.

$$\varphi = \frac{e^3 B N \lambda^2 d}{8 \pi c^3 \theta n m^*}, \quad (4)$$

бу ерда, N -заряднинг эркин ташувчилари сони; B -магнит индукция; Θ -вакуумнинг диэлектрик доимийси; λ - тўлқин узунлиги; n -қатламга тушаётган ёруғликнинг синдириш кўрсаткичи коэффициентлари; d -қатлам қалинлиги.


Спектрал боғлиқликка кўра, ($\alpha=k\lambda^2$, бу ерда k -нисбий магнит айланиши, у сон жиҳатдан қатламнинг бирламчи қалинлигида кутбланган ёруғлик текислигининг буриш бурчагига тенг) намунанинг нисбий қаршилигини баҳолаш имконияти мавжуд. Магнит майдон таъсирида намунанинг нисбий қаршилиги ортиб боради, бунинг натижасида эса аномал фотovoltaик кучланиш ҳам ортади (11-расм).



1-ёруғлик диоди; 2-поляризатор; 3-магнит майдонининг манбаси (соленоид); 4-аномал фотovoltaик кучланишга эга қатлам; 5-анализатор; 6-фотоқабул қилгич; 7-ўлчаш асбоби; 8-қурилманинг айланувчи қисми

11-расм. Магнит майдонида кутбланиш текислигининг айланишини кузатиш учун қурилма


Шунингдек, кучли электр майдонида аномал фотovoltaик кучланишнинг ютилиш спектрига таъсири ўрганилган (12-расм). Агарда қатламга электр майдони таъсир этилса, x ва y ўқлари атрофидаги ёруғлик тезлигининг фарқига олиб келувчи шу ўқлар бўйича синдириш коэффициентлари ўзгаради, бу ўз навбатида ўтувчи ёруғликнинг x ва y ташкил этувчилари бўйича фазаларининг фарқига олиб келади. Фазаларнинг фарқи ёруғликнинг қатламдан ўтишига мос равишда ўсиб боради.



ЁМ-ёруғлик манбаи; П-поляризатор; А-анализатор; ФКК-фотоқабул қилгич; ЎА-ўлчаш асбоби
12-расм. Иккиланган нур синдириш кўрсаткичига эга бўлган аномал фотovoltaик кучланишга эга қатламларда электрооптик эффектни кузатиш учун мўлжалланган оптоэлектрон занжир

Аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламнинг чиқишида ташкил этув-чилар бўйича тебранишларнинг йиғиндисини натижаси эллиптик кутбланган ёруғлик бўлади. Бунда анализатор орқали ўтган асбобдан, фақат берилган анализаторга паралел кутбланган текисликка эга энергиянинг бир қисми чиқади. Қатламга қўйилган кучланиш ўзгарса, ёруғликнинг кутбланишини эллипсининг шакли ўзгаради. Шундай қилиб, электр кучланиши ёрдамида ёруғлик тўлқинларининг амплитудасини модуляциялаш имконияти ҳосил бўлади.

Диссертациянинг “Диселинид мис ва индий асосидаги аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламларнинг фотогенераторлик ва позицион сезгирлик хусусиятлари” номли бешинчи бобида аномал фотовольтаик кучланишга эга қатлам асосида яратилган генератор типидagi фотоқабул қилгич тушунтирилган. Яратилган генератор типидagi фотоқабул қилгич асосида, квант генераторларида электростатик майдон манбаи сифатида қўлланилган турли аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламларнинг потенциал имкониятлари кўриб чиқилган (13-расм).



1-ёруғлик манбаи; 2-аномал фотовольтаик кучланишга эга қатлам, доимий кучланиш манбаи; 3-газ манбаи; 4-капилляр; 5-сараловчи фокусловчи система; 6-нурлантириладиган тўлқинлар; 7-вакуум насосига; 8-резонатор

13-расм. Молекуляр-аммиакли генератор қурилмаси

Квант гуруҳидаги асбобларнинг сараловчи системасида кучли электр майдони манбаи сифатида қўлланиладиган генератор типидagi фотоқабул қилувчи қурилманинг қўлланилишини принципиал имкониятлари келтирилган. Генератор типидagi фотоқабул қилувчи қурилманинг қўлланилиши, сараловчи системанинг кучланиш блокининг оғирлигини бир неча даражага камайтириш имконини беради. Шунингдек ишда, оптик кучланиш манбаига эга квант генераторининг бошқаришни фундаментал масаласини ечими кўрсатилган.


Бошқа фотоқабул қилгичлардан фарқли равишда, генератор типидagi фотоқабул қилувчи қурилма, узлуксиз сезгувчан соҳага эга. Уни позицион сезгир элемент сифатида ҳам қўллаш мумкин (14-расм). Ёруғлик доғи генератор типидagi фотоқабул қилгичнинг фотосезувчи соҳасига жойлаштирилади. У объектгача бўлган масофага пропорционал бир ўлчамли ёки икки ўлчамли сигналларни ўзгартиради:

$$z = z(p + 1), \quad (5)$$

бу ерда, z -модулнинг геометрик константаси, у куйидагича аниқланади: $k = f \frac{U_{\Phi}}{D}$; f - линзанинг фокус масофаси.

$$p = \frac{D}{x} - 1, \quad (6)$$

бу ерда, x - генератор типдаги фотоқабулқилгичнинг маркази ва ёруғлик доғи орасидаги масофа, D -генератор типдаги фотоқабулқилгичнинг фаол узунлиги.



D -генератор типдаги фотоқабулқилгичнинг фаол узунлиги; x -генератор типдаги фотоқабулқилгич маркази ва ёруғлик доғи орасидаги масофа

14-расм. Позицион сезгир элементнинг ишлаш принципи

Худди шу принципда жой алмаштириш датчиклари тадқиқ қилинса бўлади, бу ерда генератор типдаги фотоқабулқилгичлар бир неча сантиметрларгача бўлган масофаларда бўлган жой алмашинишларни ўлчаш учун қўлланилади. Бу датчиклар реал вақт масштабида ишлайди ва назорат қилиш қурилмаларида узунликларни ўлчаш учун, суюқ ва қаттиқ мухитларнинг сатҳини ўлчашда ва айланувчи объектни эксцентриситетини, жойлашини, ҳамда ишчи соҳада алоҳида объектларнинг мавжудлигини аниқлашда қўлланилиши мумкин. Генератор типдаги фотоқабулқилгич асосидаги датчикларнинг асосий афзаллиги, бу ҳолатда унга ташқи кучланиш манбаи керак бўлмайди. Бундай датчикларнинг спектрал диапазони $320 \div 1100$ нм, ўз навбатида улар спектрнинг УБ, кўриш, ва яқин ИҚ соҳаларида ишлайди. Катта, бир ўлчамли генератор типдаги фотоқабулқилгичларда сезувчанлик сирти $(1 \times 4) \div (1 \times 12)$ мм, катта, икки ўлчамли генератор типдаги фотоқабулқилгичларда эса $(4 \div 25)$ мм оралиқларида ётади.

Металл-оксид-яримўтказгич (МОЯ) - транзисторларини генератор типдаги фотоқабулқилгич билан биргаликда қўлланилиши, функционал микросхемаларнинг вазифаларини ечимини топишда функционал асбоб

сифатида ва уларда янги ривожланиш йўллари белгилаб беради. Бундай микросхемалар турли хил маълумотларни нозичли ўзгартиргичлари сифатида қўлланилиши мумкин.

ХУЛОСА

Мис ва индий диселениди асосидаги генератор типидagi фотоқабул қилувчи қурилмани яратиш учун олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Чанглатиш бурчаги, чўктириш тезлиги ва таглик ҳароратини бошқариш билан аномал фотовольтаик кучланишга эга қатламни динамик режимда олиш имконини берувчи қурилма тайёрланган.
2. Вакуумли чанглатиш усули ёрдамида S ва Se изовалент киришмалар билан легирланган CuInSe_2 яримўтказгич бирикма асосидаги аномал фотовольтаик кучланишга эга элементларнинг олиш технологиясини хусусиятлари аниқланган.
3. Фронтал ёритилганлик таъсирида фотосезувчанлик қатламининг чуқурлиги бўйича киришмаларнинг жойлашишини бир жинсли эмаслиги ҳисобига аномал фотовольтаик кучланиш ($U_{\text{АФК}}$), фотоэлектрет ҳолат кучланиши ($U_{\text{ФЭХ}}$), фотомагнит эффект таъсиридаги кучланиш ($U_{\text{ФМЭ}}$) фотосезувчанлик максимумларининг спектрнинг қисқа тўлқин узунлиги томонига силжиши аниқланди.
4. Предмет ойнасига чўктирилган CuInSe_2 юпка қатламларнинг ютилиш коэффициентининг қутбланган ёруғлик тўлқин узунлигига боғлиқлиги тажриба йўли билан аниқланган. Бунинг асосида ташувчиларнинг диффузия узунлиги, микрофотоўтишларнинг сони, ташувчиларнинг эффектив ҳаракатланиш қиймати ва асосий бўлмаган ташувчиларнинг яшаш вақти аниқланган.
5. Материаллар таркибини таҳлил қилиш учун мўлжалланган молекуляр квант генераторининг сараловчи системасида юқори электростатик майдонни яратиш учун аномал фотовольтаик кучланишга эга қатлам асосидаги кучланиш манбаи яратилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ФИЗИКИ
ПОЛУПРОВОДНИКОВ И МИКРОЭЛЕКТРОНИКИ**

ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

НУРДИНОВА РАЗИЯХОН АБДИХАЛИКОВНА

**РАЗРАБОТКА ФОТОПРИЕМНОГО УСТРОЙСТВА
ГЕНЕРАТОРНОГО ТИПА**

01.04.10 - Физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.1PhD/T576.

Диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ispm.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet».

Научный руководитель:	Касимахунова Анархан Мамасадиқовна доктор технических наук, профессор
Официальные опоненты:	Абдукадыров Мухитдин Абдурашитович доктор технических наук, профессор Рахманов Анваржон Тожибоевич доктор технических наук, доцент
Ведущая организация:	Каракалпакский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в __ часов на заседании Научного совета по присуждению ученой степени доктора философии PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 при Научно-исследовательском институте физики полупро-водников и микроэлектроники Национального университета имени Мирзо Улугбека (Адрес: 100057, г. Ташкент, ул. Янги Алмазар, дом 20. Тел: (+99895) 146-77-44, факс (+99895) 146-77-44, e-mail: info@ispm.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в отделе внедрения информационных технологий института. (зарегистрирована за №____) Адрес: 100057, г. Ташкент, ул. Янги Алмазар, дом 20. Тел: (+99895) 146-77-44,

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2019г.)

Ш.Б.Угамурадова
председатель Научного совета по присуждению
ученой степени доктора философии, д.ф-м.н.,
профессор

С.С.Насриддинов
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученой степени доктора
философии, д.т.н., доцент

А.Т.Мамадалимов
председатель Научного семинара при научном
совете по присуждению ученой степени доктора
философии, д.ф-м.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодня мире в интенсивно развивающейся области физики полупроводников одна из важных направлений является освоение новых полупроводниковых материалов, перспективных для фотоэлектроники. В этом аспекте большой интерес представляют диселениды меди и индия (CuInSe_2), в которых 99 % света поглощаются на глубине одного микрона, а своеобразный энергетический спектр электронов и анизотропия оптических свойств позволяют создавать конкурентоспособные фоточувствительные структуры. В их числе фотогенераторные структуры, которые необходимо приспособить для питания электрометрических устройств с высоким входным сопротивлением, что является основной проблемой фотоэлектроники.

На сегодняшний день в мире большое внимание уделяется изучению фотоэлектрических эффектов и модификации технологии получения тонкопленочных структур с эффектом аномального фотовольтаического напряжения (АФН). В этом плане осуществление целевых исследований, в частности, реализация ниже приведенных направлений: усовершенствование технологии получения пленок CuInSe_2 применительно к структурам с АФН эффектом, управление параметрами и воспроизводимостью фоточувствительности образцов диселенида меди и индия, изучение влияния на АФН эффект изовалентных примесей и внешних условий, влияние поляризованного света на проявление эффекта аномального фотовольтаического напряжения в магнитном поле, изготовление устройства поэтапного осаждения компонентов АФН пленок и дополнительных примесей вакуумным напылением, считаются одними из важных задач.

В Республике значительное внимание уделяется перспективным направлениям, в частности, изучены свойства узкозонных полупроводниковых материалов (теллурида кадмия и арсенида галлия), исследовано влияние радиации на свойства теллурида кадмия. В соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, одной из приоритетных задач определено стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, в связи с чем наиболее важным является повышение эффективности отрасли фотоэлектроники на основе теоретических и практических исследований в области полупроводников за счет внедрения научных и инновационных технологий в практику.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-1442 от 15 декабря 2010 года «О приоритетных направлениях развития индустрии Республики Узбекистан на 2011-2015 годах», № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017-

2021 годах»² и №-ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности организаций Академии наук, управления и финансирования их научно-исследовательской деятельности», а также в других нормативно - правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационная работа выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологии Республики Узбекистан: ППИ-3. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение, развитие современной электроники, микроэлектроники, электронного приборостроения.

Степень изученности проблемы. Японскими учеными Takahashi M., Nakaï J. получены плёнки Ge в вакууме 10^{-5} мм. рт.ст. со скоростью испарения 100 мкм /с. Они установили, что с увеличением угла напыления фотонапряжение увеличивается и приобретает максимальные значения при углах 60° . При этом увеличение толщины пленок в интервале от 0,02 до 0,2 мкм приводило к снижению фотонапряжения.

